
Маданият марказини мукаммал таъмирлаш ишлари жадал давом этмоқда

Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳридаги 70-сонли маданият марказини мукаммал таъмирлаш, масканда ҳар томонлама қулай ва замонавий шароитларни яратиш тадбирлари жадал давом этмоқда.

Туман ҳоқими Шерзоджон Юлдашев бугун ана шу қурилиш-таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди.

55 йиллик тарихга эга муассаса биноси туман ҳоқимлиги ташаббуси билан ҳомийлик асосида обод ва кўркам масканга айлантирилмоқда.

Бунёдкорлик тадбирлари доирасида шу кунгача марказ биносининг том қисми ва томошалар зали мукаммал таъмирланиб, замон талабларига мос ҳолатга келтирилди. Ёритиш тизими тўлиқ янгиланиб, кўплаб қўшимча жиҳозларнинг ўрнатилиши масканга янада кўрк бағишлади. Эндиликда бу ерда катта экранда фильмлар намойиш этиш шароити ҳам яратилмоқда.

Шунингдек, тўгараклар ва машғулотлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун қўшимча янги бино ҳам бунёд этилмоқда.

Эътиборлиси, шу кунгача муассасадаги мавжуд 5 та тўгаракларда 70 нафарга яқин қатнашчилар маданий фаолият билан шуғулланиб келган бўлса, бунёдкорлик ишлари натижасида уларнинг сонини ошириш имконияти яратилади.

Туман ҳоқими мутасаддилар ва қурувчи-мутахассисларга намунавий лойиҳа асосида белгиланган вазифаларни юқори сифат билан амалга ошириш, ишлар кўламини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

2024-10-11 17:16:07